



28.09.2022 даги

"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati va Учкургон туман МТБ Марказ ўртасида  
1082000000,00 сўм умумий суммага тузилган 22 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб 251  
Шахсий газна ҳисобварак 100022860142347091100251087

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4331200			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь	1 082 000 000,00			1 082 000 000,00
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	1 082 000 000,00			1 082 000 000,00

Жами 1082000000,00 сўм

Бир миллиард саксон икки миллион сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 324600000,00 сўм ёки 30,00%\*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
%\*\*\*20 ойида тўланиши лозим.

(\* ) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\* ) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\* ) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_\_ % жорий ойнинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

М.Ў.



Сиддикова Малика Орибжановна  
Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

Жаъхпаров Шокиржон Абдухалимович  
Ф.И.Ш.

Газначилик бўлинмасининг  
ҳодимини қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

« \_\_\_\_\_ » 20\_\_ й.

« \_\_\_\_\_ » 20\_\_ й.

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 22

“JB” 09 2022 й

Чортоқ тумани.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Учкургон туман мактабгача таълим бўлими номидан М.Сиддикова, Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «ООО AFSONAVIY-QURUVCHI» МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи корхонаси раҳбари Д.Сайдолимов, иккинчи томондан ООО AFSONAVIY-QURUVCHI» МЧЖ ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини тузиб имзоладилар.

### I. Шартнома мазмуни.

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига кўра лойихада кўзда тутилган Наманган вилояти Учкургон туман МТБга қарашли 28 ДМТТ кургон деворини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятлари олади. Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, танлов натижасида аниқланиб, танлов комиссиясининг (2022 йил 23.09.даги № 150750 сонли) қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати жорий нархларда 1 082 000 000 (Бир миллиард саксон икки миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар эса бундан мустасно:

- ✓ қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ✓ ишлархажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- ✓ объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.

2.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга кейинги йилларга шарномавий нархларни аниқлаштириш иш амалдаги конунҳужатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув (битим) билан расмийлаштирилади.

### III. Пудратчининг мажбуриятлари.

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг I-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

✓ барча ишларини мазкур шартномага ҳамда унинг иловасига мувофиқ ишчи сметада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва (ёки) жалб қилинган куч (субпудратчи)лар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

✓ объектда техника ҳавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкаларини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш;

✓ таъмирлаш давомида Буюртмачи томонидан талаб қилиб бориладиган маълумотлар ва шошилиш (оператив) сўровларни ўз вақтида ҳамда белгиланган муддатларда тақдим этиш;

✓ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

✓ пудратчи тамонидан қуриб битказилган объект ёки жорий таъмирлаш ишларитугаллангандан сўнг бир йил мобайнида қайта таъмир талаб бўлган тақдирда пудратчи тамонидан таъмирлаб бериши шарт.

✓ пудратчига объект учун лойихада белгиланган қурилиш материалларини

буюртмачи тамонидан белгиланган тартибни бузиб, сифатсиз ёки бошқа материалларни ишлатган тақдирда пудратчи тамонидан алмаштириб берилиши шарт.

3.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи ҳамда ёлланган субпудратчилар билан биргаликда зарур тарзда бажарилиши ва ишларни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириши учун Буюртмачи олдида тўлиқ ҳамда мулкый жавоб беради.

#### IV. Буюртмачининг мажбуриятлари.

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун **Буюртмачи:**

✓ мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ пудрат ишларни бажариш учун яроқли объектни таъмирлаш ишларини бошлаб тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича **Пудратчига** бериш;

✓ ишлар бажарилиши устида доимий назоратни ва мазкур шартномада қайд этилган **Пудратчи** томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, **Пудратчидан** тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

✓ **Пудратчининг** барча мурожаатларини ун кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

✓ **Пудратчига** молиялаштириш жадвалига мувофиқ бўнак (аванс) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

✓ Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### V. Ишларни бажариш муддатлари.

5.1. Шартнома:

✓ миллий валюта «сўм»да ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда—томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

✓ миллий валюта «сўм»да, ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда ашартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан сўнг.

5.2. **Пудратчи** мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.4. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва **2022 йил 31 декабр**га қадар амал қилади.

#### VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

6.1. **Буюртмачи Пудратчига** шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг **30 фоизи: 324 600 000 (Уч юз йигирма турт миллион олти юз минг) сўм** миқдоридан аванс ўтказилади.

6.2. **Буюртмачи** томонидан **Пудратчига** жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш бўйича Ф-2 далолатнома асосида ҳисобланади.

6.3. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишчи сметага мувофиқ, бажарилган иш учун Ф-2 далолатнома асосида тўлиқ амалга оширилади.

6.4. **Буюртмачи** мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб **ўттиз кун** мобайнида бажармаган тақдирда, **Пудратчи** бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда **Буюртмачи Пудратчи** томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод этилмайди.

#### VII. Ишларини бажариш.

7.1. **Пудратчи** ишларни бажариш лойиҳасига ва ишчи сметага биноан объектларда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.2. **Пудратчи Буюртмачининг** манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларида майда четга чиқишларни **Буюртмачининг** розилигисиз амалга оширса ҳамда бу четга чиқишлар таъмирлаш ишлари сифатига таъсир этмаганлиги исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

### **VIII. Ишларни кўриқлаш.**

8.1. **Пудратчи** ишлар бошланиб, таъмирлаш ишлари тугалангунгача ва тугаланган ишлар **Буюртмачи** томонидан қабул қилиб олингунга қадар материаллар асбоб-ускуналар, таъмирлаш техникаси ва бошқа мол-мулкни зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

8.2. Тикланган бинолар, иморатлар, шунингдек бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланишига **Буюртмачи** жавоб беради.

### **IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.**

8.3. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар ушбу қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда ўзайтирилади.

8.4. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда **Пудратчи** ва **Буюртмачи** ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай таъмирлаш чоралар кўрлишини муҳокама қиладилар.

8.5. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

### **IX. Шартномани бекор қилиш.**

#### **9.1. Буюртмачи:**

✓ Шартнома кучга киргандан кейин таъмирлаш ишларнинг бошланиши **Буюртмачига** боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра **Пудратчи** томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

✓ **Пудратчи** томонидан шартнома шартлари таъмирлаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

✓ Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### **9.2. Пудратчи:**

✓ Ишларнинг бажарилиши **Пудратчига** боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра **Буюртмачи** томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

✓ **Буюртмачи** томонидан молиялаштириш шарлари бажарилмаганда;

✓ Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилиниши талаб қилиш ҳуқуқига эга.

9.3. Шартнома бекор қилинганда, **Буюртмачи** ва **Пудратчининг** қўшма қарорига кўра таъмирлаш ишлари тугалланган объект бир ой муддатда **Буюртмачига** топширилади. **Буюртмачи** бажарилган ишлар қийматини **Пудратчига** тўлайди.

9.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидаси амувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

9.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

9.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **X. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги.**

10.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

✓ Иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

✓ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги ва "Давлат харидлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларид ахамда амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатларида ва мазкур шартномада назарда тутилган бошқа тартибда ҳам жавобгар бўлади.

10.2. Мазкур шартноманинг тегишли иловаларида кўрсатилган мажбуриятларга риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа

мажбуриятларни бузганлиги учун **Буюртмачи Пудратчига** кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,4 фоизи** миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши **Буюртмачини** шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун **Буюртмачи Пудратчига** ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган ишлар қийматининг **15 фоизи** миқдориди жарима тўлайди.

10.4. **Пудратчи** объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун **Буюртмачига** муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

**Буюртмачи** томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартаараф этилмаганлиги сабабли **Пудратчи Буюртмачига** сифатсиз бажарилган ишлар учун **20 фоизи** миқдориди жарима тўлайди.

Жарима тўлаш **Пудратчинини** ишларни ёки хизматларни бажарилишини кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди. Муддати ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

#### **XI. Низоларни хал этиш тартиби.**

11.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро хал эта олмасалар улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

11.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади ва шартноманинг барча нусхалари бир хил юридик кучга эгадир.

#### **XII. Томонларнинг реквизитлари ва юридик манзиллари:**

##### **«БУЮРТМАЧИ»**

**Наманган вилояти Учқурғон туман**

**Мақтабгача таълим бўлими**

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Учқурғон ш. Дўстлик МФЙ 33-уй

Тел./факс 69. 462-11-82

Л/С: 100022860142347091100251087

Банкнинг номи Ўз.Рес. Марказий банк

Бюджетдан маблағ олувчи

СТИРи 305 150 879

Газначилик бўлими номи Учқурғон туман

бўйича Газначилик бўлими

Газна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ш

ХККМБ

Раҳбар: \_\_\_\_\_ М.Сиддикова

(лавозим)

М.Ў

##### **«ПУДРАТЧИ»**

**«ООО AFSONAVIY-QURUVCHI» МЧЖ**

Манзил: Наманган вилоят Чортоқ тумани

Короскон шаҳарчаси Янги авлод кучаси 33

х/р: 20208000105114291001

Банк: Трастбанк наманган шаҳар филиали

МФО: 01060

ИНН: 306658007

ОКЭД: \_\_\_\_\_

Телефон +998 93 074 77 77

Раҳбар: \_\_\_\_\_

М.Ў



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**№JL5723157234**

**1.Loyihaning turi:**

Shartnoma.

**2.Loyihaning nomi:**

Uchqo'rg'on tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi va "AFSONAVIY-QURUVCHI" Mchj o'rtasida pudrat shartnomasi.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**


Shartnoma loyihasi Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilib, 2022 yil 28-sentabr kuni ushbu shartnoma loyihasiga qonun hujjatlariga muvofiqligi to'g'risida huquqiy xulosa olish uchun Uchqo'rg'on tuman yuridik xizmat ko'rsatish markaziga yuborilgan.

Shartnoma summasi: 1 082 000 000 so'm

**4.Xulosa:**

Shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti**



**X.X.Usmonov**

2022 yil «30» sentabr



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"AFSONAVIY-QURUVCHI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

(Yuridik shaxsning — tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

**"AFSONAVIY-QURUVCHI" MChJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

21.08.2019

754167

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306658007

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

**Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Chortoq tumani, Koroskon, MUSTAQILLIK MFY, YANGI  
AVLOD KO'CHASI, 33-UY,

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Chortoq tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan  
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi).



## МУХОКАМА АХБОРОТИ

28 сентябр 2022 йил

Учкўрғон.ш

Наманган вилояти ҳудудидаги Учкўрғон туман мактабгача таълим бўлими томонидан 2022 йил 23 сентябрдаги № 150750 сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Учкўрғон туман МТБга қарашли 28-МТТ биносини жорий таъмирлаш товар (иш,хизмат) учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “Авсонавий курувчи” МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги Қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ҳолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Давлат буюртмачи ташкилоти раҳбари:

М.Сиддикова

Давлат буюртмачи ташкилоти  
бош ҳисобчиси:

Ш.Жаъхпаров





# Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 150750 на приобретение услуга

Способ проведения электронный

Дата 23.09.2022

Время рассмотрения 23.09.2022 11:37

Закупочная комиссия Учкургон тумани Мактабгача таълим булим, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	ANAROV BAXROMJON UROZALIYEVICH	manitoring	Uchqurgon MTB
<b>Секретарь комиссии</b>	XAYDAROVA DILDORA ABDUMANNOBOVNA	котиби	Учкургон МТБ комиссияси
<b>Член комиссии</b>	SOLIYEV MUZAFFAR MAXMUDOVICH	комиссия аъзоси	Учкургон МТБ курилиш комиссияси
<b>Член комиссии</b>	FOZILOV DILSHODBEK ABDULBOSID O'G'LI	Комиссия аъзоси	Учкургон МТБ курилиш комиссияси
<b>Член комиссии</b>	TOJIMIRZAYEV BAXRIDDIN FAZLIDIN O'G'LI	Комиссия аъзоси	Учкургон МТБ курилиш комиссияси
<b>Член комиссии</b>	MIRZAKARIMOV MIRZAKARIM MIRZABDULLAYEVICH	umumiy bulim mudiri	Uchqurgon MTB

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 23.09.2022 года № лота 150750.  
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по капитальному ремонту зданий</b>
Подробное описание	Услуги по капитальному ремонту зданий
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	1084 299 407.00
Стартовая сумма	1084 299 407.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан берилган корхонанинг банкротлик ҳолатида эмаслиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан берилган корхонанинг банкротлик ҳолатида эмаслиги тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ЗИЛОЛ" куп тармокли хусусий фирмаси	2	маълумот	2	Экспертная		
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	2	маълумот	2	Экспертная		

Критерий №2 Коррупциявий холатларни олдини олиш тугрисида ариза

Тип: Текстовое значение

Описание: Коррупциявий холатларни олдини олиш тугрисида ариза

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ЗИЛОЛ" куп тармокли хусусий фирмаси	5	маълумот	5	Экспертная		
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	5	malumot	5	Экспертная		

Критерий №3 Охирги 3 йил давомида шу сохада бажарилган ишлар буйича орттирилган иш тажрибаси.

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги 3 йил давомида шу сохада бажарилган ишлар буйича орттирилган иш тажрибаси.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ЗИЛОЛ" куп тармокли хусусий фирмаси	10	маълумот	3	Экспертная		
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	10	malumot	7	Экспертная		

Критерий №4 Мавжуд техника ва механизмлар, ш.ж. программ-маҳсулотлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситалар мавжудлиги тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Мавжуд техника ва механизмлар, ш.ж. программ-маҳсулотлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситалар мавжудлиги тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ЗИЛОЛ" куп тармокли хусусий фирмаси	20	маълумот	4.4	Экспертная		
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati	20	маълумот	11	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
cheklangan jamiyati						

Критерий №5 Объект билан танишганлик тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Объект билан танишганлик тугрисида маълумот. Фото илова килиниши шарт.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ЗИЛОЛ" куп тармокли хусусий фирмаси	5	маълумот	5	Экспертная		
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	5	маълумот	5	Экспертная		

Критерий №6 Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувоҳнома, лицензия, хизмат курсатиш учун рухсат этувчи хужжатлар нусхалари

Тип: Текстовое значение

Описание: Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувоҳнома, лицензия, хизмат курсатиш учун рухсат этувчи хужжатлар нусхалари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ЗИЛОЛ" куп тармокли хусусий фирмаси	4	маълумот	1	Экспертная		
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	4	маълумот	3	Экспертная		

Критерий №7 Ушбу танлов хужжатлари буйича кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Ушбу танлов хужжатлари буйича кафолат хати (форма №2)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ЗИЛОЛ" куп тармокли хусусий фирмаси	3	маълумот	3	Экспертная		
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	3	маълумот	3	Экспертная		

Критерий №8 Солик ва бошка мажбурий туловлардан карзи йуклиги хакида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Солик ва бошка мажбурий туловлардан карзи йуклиги хакида маълумот. my.soliq.uz сайтидан олинган QR кодли булиши керак

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ЗИЛОЛ" куп тармокли хусусий фирмаси	2	маълумот	0.6	Экспертная		
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	2	маълумот	2	Экспертная		

Критерий №9 Танлов иштирокчиси тугрисида умумий маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси тугрисида умумий маълумот (форма №3) registr.stat.uz маълумоти

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ЗИЛОЛ" куп тармокли хусусий фирмаси	3	маълумот	2.5	Экспертная		
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	3	маълумот	2.5	Экспертная		

Критерий №10 Мутахассисларнинг амалий иш тажрибаси ва уртача иш стажи

Тип: Текстовое значение

Описание: Мутахассисларнинг амалий иш тажрибаси ва уртача иш стажи

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ЗИЛОЛ" куп тармокли хусусий фирмаси	10	маълумот	7	Экспертная		
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	10	32	7	Экспертная		

Критерий №11 Молиявий курсаткичлари.

Тип: Текстовое значение

Описание: Молиявий курсаткичлари.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ЗИЛОЛ" куп тармокли хусусий фирмаси	10	маълумот	6	Экспертная		
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	10	маълумот	6	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"ЗИЛОЛ" куп тармокли хусусий фирмаси	1 084 299 407.00	1 083 500 000.00 UZS	1 083 500 000.00	00.00	1 083 500 000.00	21.09.2022 12:54:23	9.98616
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	1 084 299 407.00	1 082 000 000.00 UZS	1 082 000 000.00	00.00	1 082 000 000.00	21.09.2022 13:25:08	10

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"ЗИЛОЛ" куп тармокли хусусий фирмаси	48.0402	9.98616	58.02636
"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati	65.0673	10	75.0673

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 150750 от 23.09.2022 года на приобретение услуга определила победителем:

"AFSONAVIY-QURUVCHI" mas'uliyati cheklangan jamiyati  
306658007

и резервный исполнитель: "ЗИЛОЛ" куп тармокли хусусий фирмаси (200045358)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	ANAROV BAXROMJON UROZALIYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SOLIYEV MUZAFFAR MAXMUDOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	FOZILOV DILSHODBEK ABDULBOSID O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TOJIMIRZAYEV BAXRIDDIN FAZLIDIN O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП